

**«Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги йиллик
умумий йиғилиши томонидан
2019 йил «29» июндаги
49-сонли баённомаси билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Ўзагросуғурта»
акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши тўғрисидаги
НИЗОМИ**

1. Умумий қоидалар.
2. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши ваколатлари.
3. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
4. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раисини сайлаш.
5. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш тартиби.
6. Акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
7. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.
8. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот миқдорини аниқлаш тартиби.
9. Яқуний қоидалар.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти (матн давомида – Жамият деб номланади) Кузатув кенгаши мақомини белгилайди ва ва унинг ишини, кенгашга аъзоларни сайлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзонинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун), бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари, «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият) Устави ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

1.4. Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларига ҳақ тўлаш, Жамиятнинг молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижаларига асосан Мазкур низомнинг 8 бўлими ҳамда "Кузатув кенгаши, ижроия органи ва тафтиш комиссиясини моддий рағбатлантириш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

2. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчиликда ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

2.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

а) Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

е) Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

ж) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

з) Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

и) жамият томонидан Корпоратив қонунчилик, Корпоратив бошқарув кодексига риоя этилишини назорат қилиш бўйича Кузатув кенгашига ҳисобдор корпоратив маслаҳатчини шартнома асосида тайинлаш, унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш ва ҳар чоракда унинг ҳисоботларини тинглаб бориш;

к) Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

л) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

м) Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

н) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

о) Жамият Бошқаруви раиси лавозимига танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари, уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнларини ўз ичига олган регламентни тасдиқлаш;

п) Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

р) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

с) Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

т) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналарини очиш ҳамда уларнинг низомларини тасдиқлаш;

у) Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

ф) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

х) аввал рўйхатдан ўтказилган эмиссия рисоласи ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш;

ц) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ч) Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

ш) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

щ) Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ы) акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

э) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ю) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

я) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аа) жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

бб) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

вв) Жамият ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

гг) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

дд) ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш, ҳукумат топшириқлари бундан мустасно;

ее) Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш.

2.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қонунчиликда ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

2.5. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

2.6. Йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.7. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

3. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ

3.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан иборат.

3.2. Агар жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган тақдирда кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган), ушбу аъзо аъзо –йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг жамият устав капиталидаги улуши устун бўлганда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

3.3. Агарда Жамият Кузатув кенгашига мустақил мустақил аъзо киритилмаган тақдирда, Корпоратив бошқарув кодексидаги ушбу тавсиясига Жамият томонидан риоя қилмаганлигининг сабаби ҳақидаги ахборотни ошкор қилиши лозим.

3.4. Қуйидаги шахслар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

а) сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

б) жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

в) жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

г) жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

д) жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

е) давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

3.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.6. Жамият Бошқаруви аъзолари жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин. Шу жумладан, Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахс олий юридик ёки иқтисодий маълумотга, ва корпоратив бошқарув соҳасида камида беш йиллик тажрибага эга бўлиши лозим.

3.8. Кузатув кенгаши аъзолиги учун номзодларга малака талаблари, шу жумладан, Жамиятнинг устав капиталида давлат улуши бўлган тақдирда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестати бўлиши лозим.

3.9. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари акциядорнинг ўзгариши, Кузатув кенгаши аъзоси томонидан ўз мажбуриятларини бузиши, Кузатув кенгаши аъзосининг мувофиқ аризаси мавжудлиги ва бошқа сабабларга кўра тугатилиши мумкин.

3.10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.12. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

4. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИНИ САЙЛАШ

4.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

5. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг, Жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) ёзма талабига кўра, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа

шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув Кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

5.2. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Йиғилишда мажбурий тартибда қуйидагилар кўриб чиқилади:

➤ Жамият ижроия органининг Жамиятнинг йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши ва ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги, Жамият таркибига қирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофик, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисидаги ҳисоботлари;

➤ Жамиятда йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузилиши, шу жумладан, ушбу битимларни тузишда қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига риоя этилиши бўйича тафтиш комиссиясининг хулосалари;

➤ Ички аудит хизмати ҳисоботи;

5.3. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг камида 75 (етмиш беш) фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади.

5.4. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамиятнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

5.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аффилиланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилиланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

5.7. Агар жамият Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, битим бўйича қарор қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.8. Жамиятнинг аффилиланган шахси жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

5.9. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.10. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият Кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз бўлади.

5.12. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.13. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.14. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ҳамда видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиши имонияти ва шароитини яратган ҳолда жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.15. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

6. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаши йиғилишида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- ишларнинг шу кундаги аҳволи тўғрисида, акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш-хўжалик ва тижорат фаолиятининг бирор-бир давр ичидаги асосий натижалари ҳақида, уни ривожлантириш режалари тўғрисида барча тўлиқ ва ишончли ишлаб чиқариш ҳамда молия ахборотини олиш;
- жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун (агар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қабул қилган бўлса) ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қоплаш;

6.2. Жамият кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар) дан иборат тегишли энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш, жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича кўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этилиши мумкин.

6.2.1. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси арағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит кўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит кўмитасига ҳисобдордир.

6.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади.

6.4. Кузатув кенгаши аъзоларининг мажбуриятлари:

➤ Агар Кузатув кенгаши аъзоси ўзи ёки ўзининг аффилиланган шахслари билан бирга жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт;

➤ Кузатув кенгаши аъзолари акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкӣ ва намунавий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалар тўғрисидаги ахборот) дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслар;

➤ Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозими мажбуриятларини ҳалол, шунингдек, акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

6.5. Кузатув Кенгаши аъзолари ўзларининг лавозими мажбуриятларини ҳалол, шунингдек, акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.2. Агар ушбу қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

7.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ТЎЛАНДИГАН МУКОФОТ МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига ва котибига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки)

Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

8.2. Жамиятнинг, ҳар йил (чорак, олти ой, бир) мобайнида камида бир мартаба корпоратив бошқарув тизими ва молиявий натижалари бўйича мустақил баҳолаш ўтказилади.

8.3. Мустақил баҳолаш натижалари Кузатув кенгаши раиси ва Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот миқдорини аниқлашга асос бўлади.

8.4. Баҳоловчи мустақил ташкилот билан тузилган шартномага асосланиб Кузатув кенгаши фаолияти мустақил баҳоланишга мувофиқ қоникрсиз, паст, қониқарли ва юқори деб топилиши мумкин.

8.5. Мукофот миқдори (Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига бир марталик тўлов) қуйидаги тартибда аниқланади:

➤ агарда қониқарсиз деб топилса ёки Жамиятнинг йиллик молиявий натижалари соф зарар билан яқунланганда – мукофот ҳисобланмайди ва тўланмайди;

➤ агарда паст деб топилса - энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари миқдорида мукофот ҳисобланади ва тўланади;

➤ агарда қониқарли деб топилса - энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорда мукофот ҳисобланади ва тўланади;

агарда юқори деб топилса - энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баравари миқдорида мукофот ҳисобланади ва тўланади.

8.6. Жамият Кузатув кенгаши қарори тасдиқланган ушбу Низом асосида жамият Кузатув кенгаши қотиби томонидан йил давомида олиб борилаётган мажлисларда ўз вазифаларини бажариб турган даврда моддий рағбатлантириш мақсадида ҳақ ва компенсациялар тўланади. Бунда, ҳақ ва компенсациялар миқдори ҳар чоракда энг кам иш ҳақининг 10 баробарига тенг.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Кузатув кенгашини керакли бўлган манбаалар билан таъминлаш ва акциядорлар ва инвесторлар ўзаро алоқаси учун Жамият Ижроия органи, акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими (бошқармаси), қимматли қоғозлар бўйича мутахассис ёки Жамият штатидаги корпоратив маслаҳатчи жавобгар ҳисобланади.

9.2. Ахборотларни ўз вақтида, сифатли, аниқ ва тўлиқ ошкор этиш Ижроия қўмитаси фаолияти самарадорлигини баҳолаш асосий мезонларидан ва уларга бериладиган мукофотлар (бонус) тўловининг шартларидан бири ҳисобланади.

9.3. Мазкур Низом талабларини бузган айбдор шахслар белгиланган тартибларда жавобгар бўладилар.

9.4. Мазкур Низомдаги қўшимчалар ва ўзгартиришлар Акциядорлар умумий йиғилиши аъзоларининг оддий кўп сонли овоз бериш йўли билан тасдиқланади.

9.5. Мазкур Низомнинг баъзи моддалари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва норматив қоидаларига киритилган ўзгартиришлари натижасида зид бўлган тақдирда, бу моддалар ўз кучини йўқотади, Жамият Низомига ўзгартиришлар киритгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва норматив қоидаларига амал қилади.